

Тақдир

14:59 / 28.04.2017 3261

Эрининг вафотидан кейин ёлғиз ўзи ҳаёт ғам-ғуссаларига қарши курашишга мажбур бўлди. Унга бу аламларни унуттирадиган, ярасига дори, қалбига малҳам бўладиган ягона умиди, жигарбанди - ўғли бор эди. Ўғлининг бахти учун ўз ҳаётини зомин қилиб, ўзи ишлаб топар ва бу йўлда машаққат нималигини билмас эди.

Ҳатто бир қанча совчиларни рад қилиб, ўзи фарзанди учун ҳам ота, ҳам она, ҳам дўст бўлишга ҳаракат қиларди. Мадрасадан қайтиб келишини эшик олдида интизор бўлиб кутарди. Бола гўзал тарбия остида улғайиб борди. Онаси унга илм ўргатиб, бошқалардан бекаму-кўс қилиб тарбиялади. Мадрасада энг олд, пешқадам ўқувчилардан эди. Коллежни битиргач, араб мамлакатига бирор бир университетда таълимни давом эттиришни истади. Лекин она ўзининг ёлғизгина умиди, орзуси, кўз қувончини ўзидан йироқда бўлишини тасаввур ҳам қила олмаслигини ўйлаб, бу нарсага тоқат қила олмаслигини билиб, унинг бу фикрни рад қилди. Боланинг эса кундан – кунга чет-элда илм олишга бўлган рағбати ошар, унинг бу қизиқиши уни кўзини кўр, қулоғини қар қилиб, уни ўқиш ҳужжатларини тақдим қилишига мажбур қилади. Онасига билдирмасдан сафарга керакли нарсаларни тайёрлаб боради. Ҳатто сафарга жўнаб кетадиган кечада онасига бор ҳақиқатни айтиб, Боғдод шаҳрига чипта олганини, сафар эртага эканини хабар беради. Бечора она ўқиниб қолади, лекин ранжиганини, қалбидаги шу кунгача ёниб турган чироқ, сўнаёзганини фарзандига билдирмайди. Нима қилиб бўлса ҳам фарзандини ёнида қолдириш пайига тушиб, уни қолдириш йўллари ҳақида фикрлай бошлайди. Тунда фарзандига билдирмай, паспорти ва чиптасини яшириб қўяди. Тонг бўлгач бола онаси билан хайрлашиб, йўлга отланади. Аэропортда сафар вақти бўлганда, қараса чиптаси ҳам, шахсини тасдиқловчи ҳужжати ҳам йўқ. Табиийки, божхона хизматчилари ҳам уни бу ҳолатида жўнаб кетишига йўл қўймайди. Шунда маҳзун бўлиб, ҳойна - ҳой онам яшириб қўйган бўлса керак, деб ғазабнок ҳолатда уйига қайтади. Уйига келганида, хонасига кириб ухлайди. Она эса фарзанди сафар қила олмаслигини билганидан, радио эшитиб нонушта тайёрлайди. Радио товушига яхшилаб эътибор берса, радиода: “Бугун тонгда Боғдодга жўнаган сомалёт авиа ҳалокатга учраб, ерга қулади ва натижада йўловчиларнинг ҳаммаси ҳалок бўлди” деб хабар бераётганини эшитиб

ҳайратга тушади ва қилган ишидан мамнун бўлади. Фарзандига бу хабарни берай деб унинг хонасига қараб шошилганча югуриб кетади. Фарзандининг хонасига кирса, не кўз билан қарасин-ки тўшак устида жигарбандининг жони узилган экан.

“ал-Мавсуъат аз заҳабия мин қисос ал-вақиъийя” китобидан

Ғиёсиддин Ҳабибуллоҳ таржимаси